

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН  
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ 14.07.2016.1.03.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**МУРОДОВА НОДИРА ҚУЛЛИЕВНА**

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ДАВЛАТ  
ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ - ҚУВВАТЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.01 - Иқтисодиёт назарияси  
(иқтисодиёт фанлари)**

**ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ Тошкент - 2016**

1  
УДК: 334.722 (575.1)

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации**  
**Content of the abstract of doctoral dissertation**

**Муродова Нодира Куллиевна**

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан  
қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш..... 3

**Муродова Нодира Куллиевна**

Совершенствование теоретических основ государственной поддержки  
малого бизнеса и частного предпринимательства..... 37

**Murodova Nodira Qullievna**

Improving theoretical basis of government support of small scale business  
and private entrepreneurship..... 71

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications..... 103

**МУРОДОВА НОДИРА ҚУЛЛИЕВНА**

**КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ДАВЛАТ  
ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ - ҚУВВАТЛАШНИНГ НАЗАРИЙ  
АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.01 - Иқтисодиёт назарияси  
(иқтисодиёт фанлари)**

**ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ Тошкент - 2016**

3

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № 28.04.2016/B2016.2.I.639 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) илмий кенгаш веб саҳифаси (tdiu.uz) ва «Ziynet» Ахборот - таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи: Ваҳобов Абдурахим Васиқович**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар: Ҳамроев Одил Ҳамзаевич**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Маматов Аҳматжон Атажонович**

иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

**Усмонов Анвар Саидмахмудович**

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича 14.07. 2016.I.03.01 рақамли илмий кенгашнинг 2016 йил «\_\_\_» \_\_\_куни соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49-уй. Тел.: (+99871)-233-64-21; факс: (998971) 233-60-01; e-mail [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz)).

Докторлик диссертацияси билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин, ( \_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49-уй. Тел.: (+99871) 239-28-27; факс: (998971) 239-28-27; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz).

Диссертация автореферати 2016 йил «\_\_\_» \_\_\_ куни тарқатилди.  
(2016 йил «\_\_\_» \_\_\_даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б. Ю. Ходиев**

Фан доктори илмий даражасини берувчи  
Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**А. Н.Самадов**

Фан доктори илмий даражасини берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**Т.Т. Жўраев**

Фан доктори илмий даражасини берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, и.ф.д., профессор

### **КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган шароитда иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришлар ва тизимли ислохотларни амалга ошириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг омили сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ)нинг аҳамияти ортиб бормокда. Маълумотларга кўра,

«Хитойда иш билан банд аҳолининг 81,4 фоизи, ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) 54,3 фоизи, Японияда мос равишда 70,8; 67,0 фоизи, АҚШ да 50,6; 53,1 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда»<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар «Республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини, ЯИМдаги улушини изчил ошириш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланишини кенгайтириш, бизнес муҳитни яхшилаш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш»<sup>2</sup>га қаратилган. Шу боис, республикада самарали тарзда амалга оширилаётган ислохотлар туфайли «ЯИМда КБХТнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етди ва 1,8 баробар ошди. Жами саноат маҳсулотларининг 31,7 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, иш билан банд аҳолининг 77 фоиздан ортиғи КБХТ улушига тўғри келди»<sup>3</sup>. Айти пайтда КБХТнинг жадал ўсишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги баъзи маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш орқали уни халқаро меъёрларга тўлиқ жавоб беришини таъминлаш лозим.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар мамлакат аҳолисининг ҳаёт даражасини ошириш учун тадбиркорлик салоҳиятини (ТС) ривожлантириш, унинг барқарор суръатларда ўсишини таъминлаш, мустақил хўжалик юритиш ташаббускорлигидан самарали фойдаланишга имкон берувчи институционал асосларини такомиллаштириб боришни тақозо этади. Бунда КБХТ субъектлари фаолиятини давлат томонидан иқтисодий дастак ва воситалар орқали қўллаб-қувватлашда селективлик тамойилини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ёндашув давлат томонидан КБХТни қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштиришни, тадбиркорлик салоҳиятини (ТС) ошириш услуги

<sup>1</sup><http://www.ifc.org.msmeconomyindicator>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сон.

<sup>3</sup>Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, амалга оширилаётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдир: Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси –Тошкент: «Ўзбекистон», 2016.-11 б.

ва стратегиясини такомиллаштирувчи янги илмий дастур яратишни ва муаммоларни тизимли ҳал этиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сонли «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя

қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқот ишининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти фан ва технологиялар ривожланишининг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.** КБХТни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш назарияси билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, University of Chicago, University of San Francisco, The center for economic and business research (АҚШ), University of Maastricht (Нидерландия), Institute of World Development (Хитой), RUPRI Center for Rural Entrepreneurship (Япония), Россия фанлар академияси Иқтисодиёт институти (Россия), Тошкент давлат иқтисодиёт университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

КБХТни қўллаб-қувватлаш назариясини такомиллаштириш бўйича дунё мамлакатларида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: кичик корхоналарнинг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш жараёнида солиқ имтиёзлари –<sup>4</sup>

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: Park D., Krishnan H.A. Supplier selection practices among small firms in the united states: testing three models // journal of small business management. 2001, july. p.261-263; Country Responses to the OECD WPSMEE Questionnaire on the Impact of the Global Crisis on SMEs and Entrepreneurship Financing and the Policy Responses, 14 January 2009; The State of Small Business: a report of the President Transmitted to the Congress. 2010. Washington, D.C.2010; Marta M. Zhuk. Improving the financial mechanism of state support for innovative activity of business entities under market economy // Экономика управление предприятий. Vol 4.2015.32-37 pp; Bogdan M. "Mizyuk improving the organizational and economic mechanism of commercial activities management // International Jurnal of Productivity and Performance Management, Vol. 69 (6), 2012. 487-492 pp; Yifan Ding "Mechanisms for improving economic and industrial growth in developing countries" Institute of world development, Development research center of state council, People's Republic of China. Journal Environment and development Vol.I,2008.42-47 pp; Шулус А. Становление системы поддержки малого предпринимательства в России // Российский экономический журнал.-2007.-№ 5-6.С-23-28; Салаев С. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш. иқт.ф.д., дисс. автореф. – Т.: ТДИУ, 2008. – 49 б; Рахмонов Х.О. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини эконометрик моделлаштириш (Бухоро вилояти мисолида).иқт.ф.д. ...дисс.автореф.-Т.: ТДИУ,2010.-41б. ва бошқа манбалар асосида ёритилган.

6

воситасида рағбатлантириш, янгидан фаолиятини ташкил этаётганларга кафолатланган қарзлар бериш зарурлиги асосланган (Innovative investigation program of small business - University of San Francisco, АҚШ); кичик корхоналарга солиқ солинадиган суммадан жиҳозлар сотиб олиш ва тажриба намуналари учун сарфланадиган маблағларни чегирилган механизми яратилган (RUPRI Center for Rural Entrepreneurship, Япония); кичик бизнес субъектлари илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик ишлари мақсадида олган асбоб-ускуналарига нисбатан дастлабки йилда 40 фоизгача амортизация ҳисоблаш масалалари асослаб берилган

(University of Maastricht, Нидерландия); тадбиркорликнинг шаклланиш тамойиллари ва кўрсаткичлари аниқланган, ундан фойдаланиш самарадорлиги моделлари ишлаб чиқилган (Россия фанлар академияси Иқтисодиёт институти); кичик бизнеснинг ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш услублари берилган (Тошкент давлат иқтисодиёт университети).

Жаҳон миқёсида КБХТни қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: хўжалик субъектларининг инновацион фаолиятини иқтисодий дастаклар ёрдамида рағбатлантириш; инновацион тадбиркорликни ривожлантиришда иқтисодий механизм таъсир доирасини баҳолаш; тадбиркорлик муҳити шаффофлиги ва жозибadorлигини ошириш; кичик бизнесни қўллаб қувватлаш тизимини синергетик ёндашув асосида такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** КБХТни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асослари, шу жумладан, иқтисодий механизм дастак ва воситалари орқали қўллаб-қувватлаш масалаларига мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олим ва мутахассисларнинг илмий ишларида катта эътибор қаратилган.

КБХТни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг умумий илмий услубий

қоидалари А. Рунова, Л. Лебедева, И. Разумнова каби узоқ хорижлик ва В.Власова, А.Бусыгин, Л. Колесникова, А. Алисов, Б. Лисин каби яқин хориж олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган<sup>5</sup>.

Шунингдек, чет эл олимларининг инновацион кичик бизнесни ривожлантириш, давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг тамойиллари ва

<sup>5</sup>Рунова А.В. Системы поддержки и развития малого предпринимательства в зарубежных странах // федеральный фонд поддержки малого предпринимательства. М. 2001.-182 с; Лебедева Л.Ф. Государственная политика США в сфере малого бизнеса // Человек и труд. 2009. - № 3.-С.43; Разумнова И. Мелкое предпринимательство в промышленности США // Проблемы теории и практики в управления. 2007. - № 3. - С. 15 ; Власова В. Основы предпринимательской деятельности. – М.: Финансы и статистика, 1996., -106 с; Бусыгин А. Предпринимательство. – М.: Экономика, 1997.-255с; Колесникова Л.А. Предпринимательство и малый бизнес в современном государстве: управление развитием . – М. Логос, 2000. -290 с; Алисов А.Н. Управление развитием малого предпринимательства в регионах России. – М.: МАКС Пресс. 2003.-198 с.; Лисин Б.К., Фридлянов В.Н. Инновационный потенциал как фактор развития. Межгосударственное социально-экономическое исследование // Инновации в СНГ., – Москва, 2002.-№ 7.-С.29-37.

айрим методологик муаммоларини таҳлил этишга бағишланган тадқиқотлари маълум<sup>6</sup>.

Ўзбекистонлик олимларнинг тадқиқотларида КБХТ фаолиятини ривожлантириш, кичик бизнесни бошқариш, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асослари ва айрим жиҳатлари ўрганилган. Хусусан, иқтисодиётни эркинлаштиришда КБХТни ривожлантириш муаммолари,

КБХТ субъектлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб қувватлаш тизимини такомиллаштириш масалалари, тадбиркорлик салоҳиятини баҳолашнинг эконометрик моделлари, КБХТни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларининг назарий - услубий жиҳатлари М. Шарифхўжаев, Б. Ходиев, А. Ваҳабов, Қ. Муфтайдинов, Б. Наврўззода, Ҳ. Абулқосимов, А.Қулматов, С. Салаев, Х. Рахмонов, М. Абдурахмонова, Ф. Маматовларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган<sup>7</sup> ҳолда, КБХТни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш масалалари уларда ўз ечимини топмаган. Иқтисодий адабиётда мазкур масала юзасидан олиб борилган тадқиқотлар таҳлили глобал молиявий-иқтисодий инқироз таъсири кузатилаётган вазиятда КБХТ субъектларининг ҳали фойдаланилмаган имкониятларини сафарбар қилиш учун уларни давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг назарий асослари ва иқтисодий механизмини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқарди. Шу боис, мазкур диссертация иши доирасида муаммога янгича илмий ёндашув талаб этилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Навоий давлат педагогика институтининг илмий тадқиқот ишлари режаси, шунингдек, КА-2-003 «Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда давлат томонидан қўллаб-

<sup>6</sup> Шулу А. Система поддержки малого предпринимательства // Российский экономический журнал. 1997, №7-8, - С.64; Рубе В.А. Малый бизнес: история, теория, практика. – М.: Теис.2000.- 291 с; Горфинкеля В.Я., Швандера В.А. Экономика предприятия: учебник для вузов. Перераб.и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2000, - 274 с.; Макконелл К., Брю С. Экономикс: принципы, проблемы и политика. В 2-х томах. – М.: Инфра-М. 2003.- С.38; Бондаренко В.Малые предприятия в системе кластеров [Электронный ресурс]// Бизнес для всех.2005. № 33.:www/businesspress.ru; Лапуста М.Г. Малое предпринимательство. – М.: Инфра-М. 2008.- 168 с; Шубин А.В. Взаимодействие малых и крупных предприятий. Автореф.дисс. на соис.учен.степени к.э.н. – М. 2008.- 15 с; Шамрая А.А.Жизненный цикл малого предприятия. – М.: Фонд «Либеральная миссия, 2010. -124 с;

<sup>7</sup> Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик.-Т.: ТДИУ, 2010.-26 .Ваҳабов А. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар: – Т.: Шарқ. 2003.-320 б; Наврўззода Б.Н. Маркетинг: Бозорни билиш маҳорати. – Бухоро, 2006. – 174 б; Ваҳобов А. Бозор муносабатларига ўтиш босқичидаги кўп укладли иқтисодиёт ва унинг такроран ҳосил бўлиши. икт.ф.д. ...дисс.автореф. – Т.: ТДИУ, 2001. – 39 б; Муфтайдинов Қ. Тадбиркорликни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари. икт.ф.д....дисс. автореф. –Т.: ЎЗМУ, 2000. – 37 б; Қулматов А. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш: икт.ф.н..... дисс.автореф. – Т.: ЎЗМУ, 2004.- 22 б; Салаев С. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш. икт.ф.д. ... дисс. автореф. – Т.: ТДИУ, 2008. – 49 б; Абдурахмонова М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш. икт.ф.н. ил....дисс. автореф. – Т.: ТМИ, 2011. –28 б; Маматов Ф. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тизимини синергетик ёндашув асосида такомиллаштириш. икт.ф.н. ... дисс. автореф. – Т.: ТМИ, 2012. –25 б.

қувватлашнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш» мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини селективлик тамойили асосида такомиллаштириш, уларнинг инновацион рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб

чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

КБХТни давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлашнинг моҳияти, аҳамияти, мезонлари ва чегараларини, концептуал асосларини такомиллаштириш, ТС ривожланиш даражасини умумлаштирувчи кўрсаткичлар моделини шакллантиришда КБХТнинг таркиби ва ривожланиш ҳолатини баҳолаш омилларини тизимлаштириш, «тадбиркорлик салоҳияти» ва «инновацион тадбиркорлик» тушунчалари бўйича такомиллаштирилган муаллифлик қарашларини шакллантириш;

тадбиркорлик фаолиятининг нафлилик ва сифат даражалари таҳлилий-меъёрий мезонларини ишлаб чиқиш, субъектлар фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмида селективлик тамойилини қўллаш асосида тадбиркорлик субъектларини гуруҳлаш амалиётини жорий этишга оид таклифлар тақдим этиш;

тадбиркорларга давлат хизматлари кўрсатиш қулайлигини таъминлайдиган марказлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш;

юридик шахс мақомини олмаган ҳолда оилавий тадбиркорликни ва якка тадбиркорликни амалга оширишда иқтисодий дастаклар амал қилишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва оилавий бизнес даромадларига нисбатан ижтимоий чегирмалар татбиқ этиш таклифини асослаш;

КБХТ фаолиятини ўрганишда анкета сўровномаларига асосланиш, касб-ҳунар коллежларини тугатаётган ёшларни тўлиқ иш билан таъминлашда қулай ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, унга иқтисодий механизмнинг дастак ва воситалари таъсирини баҳолаш, ёшларнинг тадбиркорлик қобилиятларини диагностикалаш амалиётини қўллашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

КБХТ фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмини баҳолаш, амалдаги тартибларнинг қиёсий таҳлили асосида уларни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда илғор хориж тажрибасини таҳлил этиш, уни Ўзбекистонда қўллаш имкониятини аниқлаш ва тадбиркорлик субъектларининг хорижий инвесторлар билан бўладиган муносабатлар синергиясини баҳолаш;

Ўзбекистонда КБХТнинг ўрта муддатли даврга эконометрик усулларни қўллаш асосида ривожланиш прогнозининг муқобил сценарийларини ишлаб чиқиш.

9

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида мамлакатимизда фаолият юритувчи КБХТ субъектлари фаолияти танланди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни КБХТнинг давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар тизими ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий ва селектив

танлаб тадқиқ қилиш, монографик таҳлил ва гуруҳлаш, анкета-сўровнома орқали кузатиш, эконометрик таҳлил ва прогнозлаштириш усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат: КБХТни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини тизимли такомиллаштиришнинг селектив ёндашуви асосланган;

юридик шахс мақомини олмаган ҳолда якка тартибда фаолият юритувчи оилавий тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзосининг солиқ тўлови ва суғурта бадалини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби ишлаб чиқилган;

якка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорларга қўшимча ишчи кучини ёллаш имконини бериш тартиби ишлаб чиқилган; кичик бизнес субъектларини аниқлашда белгиланган меъёردаги ишчилар сонини касб-ҳунар коллежи битирувчилари бандлиги самарадорлигини ошириш ва меҳнат сигимкорлиги юқори бўлган тармоқларнинг устувор ривожлантириш заруриятидан келиб чиқиб, селектив ёндашган ҳолда ошириб бориш услуги такомиллаштирилган; солиқ қонунчилиги концепциясида касб-ҳунар коллежи битирувчилари томонидан тадбиркорлик билан шуғулланишда қатъий белгиланган солиқ ва ягона ижтимоий тўлов бўйича имтиёзлар қўллаш тартиби ишлаб чиқилган;

КБХТда бизнес муҳитининг шаффофлиги ва қулайлигини таъминлайдиган давлат хизматларининг интеграциялаштирилган тизимининг интерактивлик тамойили асосида фаолият юритадиган марказларни ташкил этиш услуги ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикасининг инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир ҳукумат меъёрий ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш учун тавсиялар ишлаб чиқилди; тадбиркорларга ишбилармонлик муҳитини ташкил этишнинг макро, мезо ва микро даражаларда узвийлашган инновацион тизимининг инфратузилмасини ифодалайдиган «Ягона дарча» маркази томонидан хизмат кўрсатиш қулайлиги таъминланишига олиб келди; кичик корхоналарни қўллаб-қувватлашга хизмат қилувчи иқтисодий механизмнинг селектив саралаш тамойилини танлаб олинган корхоналарга жорий этиш ва қурилиши тугалланмаган корхоналарга инвестиция киритиш шарти орқали инвестицион қўшма лойиҳаларга устуворлик

10

бериш таклифи натижасида қўшимча янги иш ўринлари очиш имкони яратилди;

кичик корхона, микрофирма ва якка тадбиркорлик билан банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативига ўзгартириш киритиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

янги ташкил этилган бизнесни қўллаб-қувватлаш услубиятини касб ҳунар коллежи битирувчилари фаолиятига нисбатан қўлланилиши

натижасида қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, монографик таҳлиллар ва статистик маълумотлар базасининг расмий манбалардан олинганлиги, ўтказилган 1700 та социологик сўровномаларнинг анкета ва эксперт сўров шаклларига асосланганлиги, берилган илмий - назарий таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти КБХТни давлат томонидан қўллаб – қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштиришда янги услубий ёндашув ишлаб чиқилгани ва қўлланилгани билан боғлиқ бўлиб, бу - ТС ни оширишда эндоген ва экзоген омиллар ўртасидаги ўзаро корреляциявий боғлиқлик коэффицентлари кучли даражада эканлигини аниқлаш ва баҳолаш имконини беради, услубий воситалардан ва ишлаб чиқилган тизимли илмий таклифлар ва амалий тавсиялардан фойдаланган ҳолда КБХТ фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича стратегик ва комплекс дастурларни шакллантиришда ҳамда КБХТ ривожланишини чуқур таҳлил қилишга бағишланган келажакдаги махсус мустақил тадқиқот ишларида муҳим манба сифатида қўлланиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган КБХТни давлат томонидан селективлик асосида қўллаб қувватлашнинг концептуал асосларидаги усуллар ва концепциялар соҳанинг ўзига хос ривожланиш хусусиятлари ва эътибор берилмаётган ТС захираларини ишга солишнинг устувор йўналишларини аниқлаш имконини беради. Тадқиқот ишидан КБХТни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга бағишланган мақсадли давлат дастури ва концепцияларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида «Иқтисодиёт назарияси», «Микроиқтисодиёт», «Кичик бизнес ва тадбиркорлик» фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлаш ва ўқитишда фойдаланилмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** КБХТни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

юридик шахс мақомини олмаган ҳолда яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзосининг суғурта ва солиқни тўлаш тартиби борасидаги таклифлар Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 11 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг солиқ Кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун ҳужжатлари тайёрланишида инобатга олинди, суғурта ва солиқ тизимларининг амалиётида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва

савдо масалалари кўмитасининг 2013 йил 12 декабрдаги маълумотномаси). Мазкур таклифга асосан, якка тартибдаги оила тадбиркорининг ойига энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида, қолган оила аъзолари эса унинг 50 фоизи миқдорида суғурта бадалини тўлаши, фақат якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси томонидан қатъий белгиланган солиқни тўлаши лозимлиги белгиланди;

касб-ҳунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлагандан сўнг бир йил давомида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, фаолият бошласа, шу даврдан бошлаб маълум бир муддатга (3 ойдан 6 ойгача) қатъий белгиланган солиқ тўлашдан озод этиш таклифи 2015 йилдан «Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга киритилган ўзгаришда инобатга олинди

(Солиқ кўмитасининг 2015 йил 7 августдаги 13/3 - 15588-сонли маълумотномаси). Натижада 2015 йилдан коллеж битирувчилари коллежни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилиши, агар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб ўн икки ой ичида ўз фаолиятини тугатса, қатъий белгиланган солиқни фаолияти амалга оширилган бутун даври учун тўлаш тартиби белгиланди;

кичик корхоналарга ёшларни кенг жалб этишни янада рағбатлантириш ва меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлган тармоқларни устувор ривожлантириш заруриятидан келиб чиқиб, кичик бизнес субъектларини аниқлашда белгиланган меъёردаги ишчилар сонини селектив ёндашган ҳолда ошириб бориш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида Инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада

такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ 4609-сонли Фармонида инобатга олинган, (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2016 йил 25 апрелдаги 11/АШ-01-2542-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативи 20 фоиздан 50 фоизга оширилди, натижада битирувчиларнинг 8028 нафари микрофирма ва кичик

12

корхоналарга ишга жалб қилиниши таъминланди;

енгил, озиқ – овқат ҳамда қурилиш материаллари саноатида банд бўлган ишчилар сони белгиланган чекланган меъёردаги 100 нафар ўрнига 200 нафар этиб белгилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилишини таъминлади;

ёшлар бандлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш, якка тартибдаги тадбиркорларга қўшимча ишчи ёллаш имкониятини бериш ва КБХТда бизнес муҳитининг шаффофлигини ва қулайлигини таъминлайдиган давлат хизматларининг интеграциялаштирилган тизимини ташкил этиш

таклифлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4725-сонли Фармонида инобатга олинди, (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2016 йил 25 апрелдаги 11/АШ-01-2542-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларга асосан 2015 йил 1 июлдан бошлаб, яқка тадбиркорларга фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, бир нафардан уч нафаргача ишчини ёллаш ҳуқуқи берилди. Яқка тартибдаги тадбиркорлар касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган тақдирда, коллежни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод этилиши таъминланди; КБХТ субъектларига давлат идоралари кўрсатаётган хизматлар интеграцияланиб, хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлашнинг макро, мезо ва микро даражада узвийлашган инновацион тизими яратилди ва ҳудудларда «Ягона дарча» марказлари хизматлари самарадорлиги ошишига олиб келди;

КБХТни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини тизимли такомиллаштиришга мўлжалланган селектив ёндашув хусусидаги илмий натижалар ва ишланмалар олий ўқув юртларида (Навоий давлат педагогика институтининг 2016 йил 28 апрелдаги 88-87-484/04-сонли маълумотномаси) «Микроиктисодиёт», «Кичик бизнес ва тадбиркорлик» фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлашда, ишчи ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланилмоқда.

**Ишнинг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 30 дан ортиқ илмий амалий анжуманларда, жумладан, «Социально-экономические проблемы развития интеграционных процессов в условиях либерализации национальной экономики» (Москва, МГЭИ, 2008), «Проблемы развития учетно-аналитического пространства в условиях инновационного развития экономики» (Россия-Тамбов, 2012), «Хизматлар бозори: муаммо, ечимлар ва истиқболлар» (Самарқанд, 2012), «Глобал олий таълим тизимида илмий тадқиқотларнинг замонавий услублари» (Навоий, 2015) каби мавзулардаги халқаро, республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

**Натижаларнинг эълон қилиши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 54 та илмий иш, шу жумладан, тўртта монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик

13

диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 21 та илмий мақола, жумладан, 16 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 258 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида илмий тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асослари**», деб номланган биринчи боби тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий моҳиятини ёритиш ва афзаллик жиҳатларини баҳолаш, унинг назарий жиҳатларини чуқур таҳлил этишга, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш назариясида селективлик усулини қўллаш тамойилларига бағишланган. Тадқиқот мавзуси бўйича «тадбиркорлик», «кичик бизнес» ва «хусусий тадбиркорлик», «тадбиркорлик салоҳияти» атамаларининг мазмун-моҳиятига муаллифлик таснифи берилган, ушбу атамаларнинг шаклланиши ва ривожланиш эволюциясига берилган турли илмий қарашлар таҳлил этилган. КБХТнинг ривожланиш тарихи, ижтимоий-иқтисодий афзалликлари, давлат томонидан қўллаб қувватлаш босқичлари ва жаҳон тажрибаси таҳлил қилиниб, тегишли илмий хулосалар берилган.

Тадқиқот жараёнида Ўзбекистонда КБХТнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини: инқилобгача, шўро даври ва мустақиллик давригача; мустақиллик йилларидаги ривожланиш ва қўллаб қувватлашнинг даврини эса тўрт босқичга: тадбиркорлик муҳити шаклланиб, кишилар тафаккурида тадбиркорликка нисбатан қизиқиш уйғонган (1991 - 1995 йй.), КБХТ фаолияти ривожланиши бир қадар секинлашган (1996 - 1999 йй.), тадбиркорликни эркинлаштириш 2000 -2004 йй.), тадбиркорлик фаолиятини модернизациялаш даврларига (2005 йилдан ҳозирга қадар) бўлиб ўрганилган.

КБХТни ривожлантиришга эътибор қаратиш ва уни рағбатлантириш мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳал қилувчи стратегик омилларидан бири ҳисобланади. Иқтисодий адабиётда давлат томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш зарурлиги назарий жиҳатдан асосланган<sup>8</sup>,

<sup>8</sup> Чжен В. Система поддержки предпринимательства.-Т:1995.-284 с; Система поддержки и развития малого предпринимательства в Москве. - М.: Институт экономики РАН, 1998. -262 с. Шурус А. Становление

жумладан, уни иқтисодий механизм орқали кафолатли тарзда ва тизимли шаклда қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги ғояларни таъкидлаш ўринлидир. Кичик бизнесни ривожлантиришнинг жаҳон тажрибасида мавжуд бўлган қўллаб-қувватлаш тизимида давлат патернализми (оталикқа олувчи) тамойилини алоҳида кўрсатиш мумкин. Бунинг моҳияти шундаки, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш уч турдаги моделлар орқали амалга оширилади<sup>9</sup>.

Биринчи модель протекционистик ғояга асосланиб, унда ривожланган

давлатларнинг иқтисодий инқироздан чиқишдаги тажрибаси кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг мақсадли дастурларини ўзида акс эттиради. Кичик бизнеснинг энг ривожланган ватани Америка Қўшма Штатлари иқтисодиётида катта аҳамиятга эга самарали тадбирлар қаторида «Кичик бизнесда инновацион тадқиқотлар дастури» (SBIR) ва «Кичик бизнес технологиялари трансферти дастури» (STTR) каби дастурлар орқали соҳа қўллаб-қувватланади. Иккинчи модель аксинча, эркин тадбиркорликка асосланган моделдир. Жумладан, Францияда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган йирик қўламли дастурлар қабул қилинмаслигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Учинчи комбинациялашган моделда иккала модель бирлашган ҳолда амал қилади. Жумладан, Буюк Британияда шундай ёндашувни кузатиш мумкин. Ушбу ёндашувда давлат даражасида эълон қилинган кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари эркин тадбиркорлик асосида амалга оширилади.

Назарий жиҳатдан ёндашганда давлатнинг КБХТ субъектларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш давлатнинг бозор муносабатларини тартиблаштириш унсурларидан биридир.

Фикримизча, ушбу жараёни амалга оширишда қуйидагиларни инобатга олиш зарур. Жумладан, қўллаб-қувватлашнинг мақсади жамият миқёсида ижтимоий-иқтисодий нафликни (Marginal Social Benefit) ва бизнес субъектларининг рақобатбардошлигини ошириш, инновацион тараққиётини таъминлаш, ресурслардан фойдаланишда Парето самарадорлигига эришиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини муттасил оширишга қаратилиши лозим. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда: биринчидан, бизнес субъектларини иқтисодий жиҳатдан қўллаб қувватлашнинг чегараси маржинал ижтимоий нафлик маржинал ижтимоий харажатлар (Marginal Social Cost) дан юқори бўлиши; иккинчидан, давлатнинг бизнес субъектларини қўллаб қувватлашнинг пастки чегараси қисқа муддатли, манзилли ва муқобил даражада бўлиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, давлатнинг бизнес юритишга ортикча аралашуви бозор механизмига зид келиши, субъектларнинг

системы поддержки малого предпринимательства в России // Росский экономический журнал.-1997.- № 5-6.С-11-14;

<sup>9</sup> Колесникова Л. Порядок для хаоса: государство и предпринимательство в переходной экономике.-М.:2001.- с.77.

15

рақобатбардош бўлишига салбий таъсир кўрсатиши ва инновацион тараққиётга халал бериши мумкин. Шу боис, давлатнинг бизнес субъектларини қўллаб - қувватлаши селектив тарзда, корхоналарнинг «Start-up» босқичида амалга оширилиши лозим.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини ҳисобга олиб, давлат иқтисодий ислохотлар ташкилотчиси, йўналтирувчиси эканлигини таъкидлаган ҳолда, у тадбиркорлик фаолиятини энг асосий қўллаб-қувватловчиси сифатида ўз таъсир кучи орқали қуйидаги

йўналишларда фаолият олиб боради:

- товар ва хизматлар бозорида талаб ва таклифни мувозанатини кузатиш ва зарур ҳолда унга аралаштириш;
- корхона хўжалик фаолиятини тартибга солишда фискал ва кредит сиёсатини амалга ошириш;
- мавжуд давлат институционал тизимининг ўзини ўзи тартибга солиш механизминини яратиш.

Шу мақсадда муайян мамлакатларда КБХТни ривожлантириш давлат томонидан иқтисодий усуллар билан қўллаб-қувватланади ва рағбатлантириб борилади. Тадқиқот жараёнида ўзбек тадбиркорлик модели бўлиши «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик»нинг иқтисодий моҳиятига кўра, икки томонлама хусусияти мавжудлигини намоён қилиши кузатилиб, тегишли илмий хулосалар асослаб берилди (1-расм).

### **КБХТнинг иқтисодий мазмуни**

• оилавий тадбиркорлик

#### **Мулкчилик субъекти сифатида**

#### **Хўжалик юритиш усули сифатида**

- хусусий;
- оилавий;
- қўшма корхона.
- фермер хўжалиги
- деҳқон хўжалиги
- акциядорлик жамияти

Ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро алоқадорлиги асосида хўжалик фаолиятини юритиш ва бошқариш:

ва бошқалар

**фаолият хусусиятига кўра:**

- хусусий;
- яқка;
- жамоа;
- аралаш;

**Менежмент Маркетинг**

**Маркетинг менежменти**

### **1-расм. КБХТ табиатининг икки томонлама хусусиятли таснифи<sup>10</sup>**

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

XXI асрда фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиши билан иқтисодий айирбошлашда «инновацион тадбиркорлик» иқтисодий категория сифатида реал воқеликка айланди. «Инновацион тадбиркорлик» тушунчаси мазмунига кўра, ижтимоий-иқтисодий категория сифатида мулкчилик ва хўжалик юритишнинг турли шаклларида янгиликка асосланган ҳолда бирламчи мақсади даромад олишга қаратилган ташаббускорлик фаолияти бўлиб, у бозор шароитида ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро алоқадорлигини таъминловчи, хўжалик юритиш ва бошқаришга сарфланадиган инновацион фаолият натижаларига қайтадан

йўналтириладиган бозор иқтисодиётининг муҳим дастагидир, деган муаллифлик таърифи асосланди.

Фикримизча, фаолият юритишига кўра, тадбиркорлик – бизнеснинг бир унсури сифатида амал қилади ва ўзига хос қатор хусусиятларга эга: кичик бизнес – ҳуқуқий шахс сифатида корхона ташкил қилиш эвазига тадбиркорлик ишини юритадиган, амалиётда кичик корхоналар фаолияти устидан статистик кузатувлар олиб бориш ва таққослаш учун фойдаланишда, ҳудудлараро ва халқаро таҳлил қилишда қулайлик яратиш мақсадида, кичик бизнес ўлчамларини аниқлаш ҳамда имтиёзлар олиш учун йўналтириладиган корхоналарни белгилаб олиш зарурлигида, корхоналарни солиққа тортиш механизмидан самарали фойдаланиш жараёнида, ишчи ходимлар сонининг қатъий белгиланган меъёри асосида юритиладиган хўжалик фаолиятидир;

хусусий тадбиркорлик – хусусий корхона ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлик шаклларида ўз таваккалчиликлари ва мулкӣ жавобгарликлари остида бирламчи даромад олиш мақсадида амалдаги қонунчилик асосида ташкил этиладиган ташаббускор хўжалик фаолияти бўлиб, хусусий корхона юридик шахс сифатида, якка тартибдаги ёки оилавий тадбиркорликка асосланган ҳолда жисмоний шахс сифатида иш юритади.

Иқтисодий адабиётдаги турли қарашларда ифодаланган бу ибораларнинг инглиз тилида ва инглиз адабиётида қабул қилинган «Small business» ( майда плюс ўрта, ёки майда бизнес) терминига маъно жиҳатдан ўхшашдир. Таъкидлаш жоизки, Ғарбий Европа адабиётларида инглиз транскрипциясидаги «Small business» атамасидан тобора кенг фойдаланилмоқда.<sup>11</sup>

Иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналиши бўлган КБХТда асосий эътибор корхоналарнинг қанча товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш имкониятлари билан эмас, балки иқтисодий муносабат иштирокчилари манфаатини максимал даражада инобатга олиш учун интилишлари ва улар эҳтиёжларини қондириш учун ҳаракат қилиши ҳамда ички ресурслардан қанчалик унумли фойдаланишларининг зарурлиги кузатилмоқда. Ушбу масалага бундай тарзда ёндашиш, КБХТнинг салоҳиятини аниқлаш ва мутаносиб равишда мазкур соҳани

<sup>11</sup> - Рубе В.А. Малый бизнес: история, теория, практика. М.: Теис. 2010. С-29.

давлат томонидан қўллаб-қувватланишини такомиллаштириб боришда муҳим назарий асос бўлди.

Иқтисодий адабиётда «салоҳият» категорияси кенг маънодаги тушунча сифатида талқин этилади, яъни мамлакат, минтақанинг иқтисодий қудратига баҳо беришга аниқлик киритади. ТСни баҳолашда соҳанинг мавжуд ижтимоий-иқтисодий мажмуидаги статистик кўрсаткичлар таркибий қисмларига аниқлик киритилди, тавсия этилган ёндашув асосида «тадбиркорлик қобиляти», «тадбиркорлик фаоллиги» ҳамда «тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш имкониятлари»ни акс эттирувчи

тавсифловчилар тизимини гуруҳларга ажратиш таснифи ишлаб чиқилди.

Фикримизча, тадбиркорлик салоҳияти мураккаб, ижтимоий иқтисодий ва ташкилий омиллар билан уйғунлашган категория бўлиб, унда мамлакат аҳолисининг тадбиркорлик фаолиятига мойиллиги, мунтазам шуғулланиши учун турли манбалардан фойдаланиш имкониятларининг мавжудлиги, бозор муҳитининг ўзгарувчан хусусиятларига тезда мослашиш қобилияти, яъни, ақлий, моддий, молиявий, ташкилий имкониятлардан самарали фойдаланиш бўйича амалга ошириш лаёқатига эга бўлган тадбиркорлик фаоллигидан иборат, деган муаллифлик таърифи асосланган.

Минтақаларнинг ТСни баҳолаш учун мамлакат КБХТнинг истиқболли йўналишлари ва стратегияси ишлаб чиқилиши, уни қўллаб қувватлашнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари таҳлилига асосланишда уни услубий жиҳатдан таҳлил этиш таклифи ишлаб чиқилган ва тегишли илмий қоидалар шакллантирилган<sup>12</sup>.

Биринчидан, ҳудудларни «Парето-афзаллик тўплами» бўйича гуруҳлаш орқали ўрганилаётган ҳар бир ҳудуддаги ТСнинг интеграл даражаси (коэффициенти) қуйидаги ифода орқали ҳисобланади:

$$Epr = \Sigma (f_{ir} / f_{io}) / n \quad (1)$$

бу ерда:  $r$  - ҳудуд индекси,  $i$  - омил-кўрсаткич рақами,  $f_{ir}$  -  $i$  омил кўрсаткичининг  $r$  ҳудуддаги даражаси, %;  $f_{io}$  -  $i$  омил кўрсаткичининг мамлакат миқёсидаги даражаси ( $f_{io} = 100\%$ ),  $n$ -омил кўрсаткичлар сони.

Иккинчидан, динамик усулда иқтисодиёт турли тармоқларида фаолият кўрсатувчи айрим кичик корхоналарни ТСни аниқлаш мақсадга мувофиқлиги илмий асосланган.

Тадқиқот жараёнида ушбу услубият орқали ҳудудлардаги кичик саноат корхоналари фаолиятида аниқланган натижалар айрим кичик корхоналарда ТС паст даражада эканлигини кўрсатмоқда. Кичик корхоналарни ТС шаклланишида молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар ҳиссаси ва ундан сўнгра эса, ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўрсаткичлар туриши аниқланди. Бундан кўринадики, молиявий ресурсларни тежаш

<sup>12</sup> - Муаллиф томонидан тавсия этилди.

18

муаммосини ҳал этиш лозимлиги, малакали ходимлар, илмий-техник гуруҳлар кўрсаткичларини яхшилаш орқали ТСни ошириш ва барқарор инновацион иқтисодий ривожланишга эришиш мумкинлиги асосланган.

Тадқиқотда таклиф этилаётган селективлик услубияти орқали корхоналарнинг нафлилик даражаси аниқланиб, улар фаолияти баҳоланди (1-жадвал).

1-жадвал

Кичик бизнес фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий нафлилик ва сифат даражалари<sup>13</sup>

| Кичик бизнес фаолиятининг | Кичик бизнес фаолиятининг иқтисодий | Кичик бизнес фаолиятининг сифат даражалари | Корхоналарнинг сифат белгилари |
|---------------------------|-------------------------------------|--------------------------------------------|--------------------------------|
|---------------------------|-------------------------------------|--------------------------------------------|--------------------------------|

| нафлилик<br>меъёри, % | нафлилик<br>ҳолатлари |                                         |        |
|-----------------------|-----------------------|-----------------------------------------|--------|
| 0-25                  | беқарор нафсизлик     | иқтисодий заиф<br>тадбиркорлик фаолияти | -----  |
| 26-50                 | хусусий нафлилик      | иқтисодий етук фаолият                  | БРОНЗА |
| 51-75                 | жамоавий нафлилик     | иқтисодий<br>ривожланган фаолият        | КУМУШ  |
| 76-100                | ижтимоий нафлилик     | истикболли фаолият                      | ОЛТИН  |

Кичик корхоналарни ушбу тарзда гуруҳлаш ресурс сарфларини камайтиришга, бирламчи хомашё, яъни ярим тайёр фабрикатларни чуқур қайта ишлашдан тортиб, истеъмол учун тайёр маҳсулотга айлантиришгача бўлган якуний босқичга қадар бутун ишлаб чиқариш жараёнини кузатиб боришда ҳамда кўплаб муаммолар ва қийинчиликларни ҳал этишда, истикболли корхоналарни рағбатлантириш орқали соғлом рақобатни амалга оширишда иқтисодий дастак вазифасини бажариши аниқланган.

Тадқиқот жараёнида хориж мамлакатларида КБХТни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш иқтисодий механизмида қўлланадиган тажрибалар ўрганилди. Италия иқтисодиётининг турли соҳаларида фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналарини технологик жиҳатдан бирлаштиришнинг ташкилий шакли<sup>14</sup> «констелляция»<sup>15</sup> нинг аҳамияти алоҳида эътироф этилган.

Бунда бир-бирига боғлиқ бўлган мураккаб, тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришда чекланган микдордаги кичик корхоналар ўзаро бирлашиб фаолият юритади. Бундай ташкилий шаклда бирлашган кичик корхоналардан бири маҳсулот тайёрлаш жараёнини бажарса, бошқалари технологик жараён учун масъул бўлади, баъзилари эса, савдо билан шуғулланади. Натижада, маҳсулотни 3-4 босқичли ишлаб чиқариш ва сотиш муаммоси ҳал бўлади, ишлаб чиқариш қўлами ҳам кенгаяди, деган илмий таклифлар асослаб берилган.

<sup>13</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан тузилди

<sup>14</sup> [www.businesspress.ru.newspaper/artilce\\_aId\\_342299.html](http://www.businesspress.ru.newspaper/artilce_aId_342299.html).

<sup>15</sup> «constellazione» – юлдузлар туркуми демакдир.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг амал қилиш тамойиллари» номли иккинчи бобида макроиқтисодий барқарорликни таъминлашни янада мустаҳкамлаш, иқтисодиётда хусусий секторнинг мавқеини ошириш, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида таркибий ислохотларни чуқурлаштиришда соҳага хизмат кўрсатишнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш таклифи асосланган, ҳудудлар бўйича ривожланиш тенденциялари ва босқичлари, тармоқнинг таркибий тузилиши ва унга

таъсир этувчи омиллари баҳоланган, КБХТни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизми атамасига такомиллашган муаллифлик ёндашуви шакллантирилган.

Илмий таҳлиллар натижасида КБХТни давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг иқтисодий механизми – КБХТ мақсадларига эришиш, иқтисодиёт бўғинлари фаолиятини мутаносиб ривожлантиришда ҳамда самарали фойдаланишни амалга оширишда корхона истикболини таъминловчи ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий ресурсларни қўллаш технологияси, воситалари, дастакларидан иборат яхлит тизимдир, деган муаллифлик таснифи берилган.

Фикримизча, давлатнинг бизнес субъектларини иқтисодий қўллаб қувватлаш бозор механизмини тўлдириш ва унинг самарадорлигини ошириш билан аҳамиятлидир. Ушбу назарий қурилма марказида «иқтисодий механизм» жойлашуви зарурлиги ва КБХТни ривожлантиришда тегишли усул, шакл, восита ва дастакларнинг уйғунлашувидаги тузилма асослаб берилган (2-расм).



**2-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг иқтисодий механизми<sup>16</sup>**

<sup>16</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Муаллифнинг фикрича, иқтисодий механизм фаолияти таъминлари ва вазифаларини 2-расмда кўрсатилган ҳолда амалга оширилиши учун дастлаб, тадбиркорлик субъектларини қандай шаклда ташкил этиш, молиявий мақсади ва имкониятларини аввалдан белгилаб олиш зарур. Иқтисодий механизм ўзига хос иқтисодий қонуниятларга эга бўлиб, давлатнинг молиявий қўллаб - қувватлаш даражасига ўта таъсирчан бўлади.

Диссертация ишида иқтисодий механизмнинг солиқ, давлат харидлари,

бож тарифи, инвестиция ва экспорт каби дастак, воситаларнинг хусусиятлари, таъсир этиш омиллари таҳлил қилинган ва тегишли илмий хулосалар шакллантирилган (3-расм).



3-расм. Ўзбекистонда КБХТни давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг иқтисодий механизми дастаклари<sup>17</sup>

Тадқиқот жараёнида оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг қулайлик ва имкониятлари таҳлил этилиб, фуқаро юридик шахс мақомини олмаган ҳолда якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган тақдирда, тадбиркорнинг ҳамда оила аъзоларининг суғурта ва солиқлар тўлаш тартибининг ўзига хос хусусиятлари аниқланди. Унга кўра, якка тартибдаги оилавий тадбиркорнинг ойига энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида, қолган оила аъзолари эса унинг 50 фоизи миқдорида суғурта бадалини тўлаши, фақат якка тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси томонидан қатъий белгиланган солиқни тўлаши лозимлиги оиланинг молиявий имкониятларини янада оширишга имкон яратиши, тадбиркорликнинг бу фаолият турида солиқ юкининг пасайиш хусусияти мавжудлиги асосланган.

Мамлакатда яратилган ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида олиб борилган ислохотлар натижасида иш билан бандлар 2015 йилда 2000 йилга нисбатан 2,2 бараварга ўсганлиги баробарида,

<sup>17</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

тузилмаси ва унда бандлар улуши ҳам ўзгариб бормокда (4-расм).

иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида кичик бизнеснинг таркибий **12,6**саноат

26,4  
32,4

6,2

16,5 5,9  
қишлоқ хўжалиги  
қурилиш  
транспорт ва алоқа

**4-расм. Тармоқлар бўйича КБХТнинг рўйхатдаги ходимларининг  
йиллик ўртача сони бўйича тақсимланиши, 2015 йил, %<sup>18</sup>**

Тадқиқот жараёнида соҳанинг таркибий ўзгариши бўйича саноат тармоғидаги улуши 2000 йилдаги 12,9 фоиздан 2015 йилда 31,7 фоизга, қишлоқ хўжалигида мос равишда 73,6 фоиздан 98,1 фоизга, қурилишда 38,4 фоиздан 71,9 фоизга ва хизматлар кўрсатиш соҳасида 37,0 фоиздан 46,7 фоизга ўзгарганлиги кузатилади. Бироқ, кичик корхоналарнинг субъектларининг салмоғи юқорилиги (33,9%) сақланиб қолмоқда. (5-расм). тармоқлар бўйича тақсимланишида савдо ва умумовқатланиш

300


20

0

100

50

0



хизмат қурилиш чакана савдо

**5-расм. КБХТ субъектларининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича ишлаб чиқариш  
ҳажмидаги улуши, %<sup>19</sup>**

Таҳлилларга асосланиб айтиш мумкинки, кичик корхоналар юқори технологияли тармоқларда, жумладан, ёқилғи-энергетика саноати, кимё саноати каби капитал тежамкорлиги юқори бўлган тармоқларда етарлича ривожланмаган. Саноат тармоғида фаолият юритувчи кичик корхоналарнинг

<sup>18</sup> - Статистик маълумотлар (деҳқон, фермер хўжаликларсиз) асосида муаллиф томонидан тузилди. <sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. [www.stat.uz](http://www.stat.uz).

жами фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар сонидаги улуши 90,2 фоизга тенг бўлган ҳолда, уларни ялпи саноат маҳсулотидаги улуши 31,7 фоизни ташкил этади. КБХТни реал иқтисодиётимизда, саноатда етакчи ўринни эгаллай олмаётганлиги таҳлил этилган.

КБХТни 2000-2015 йиллардаги тармоқлараро ривожланишидаги ўсиш суръатлари бир мунча кузатилади. Худудлардаги фарқлар ишлаб чиқариш кучлари жойлашувида, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасида сезиларли фарқларнинг мавжудлигида, қишлоқларга кичик саноат ва сервис корхоналари киритилиши ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш асосида саноат ишлаб чиқаришни рағбатлантириш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга

оширилиши суст кечаётганлигида аниқланган.

Тадқиқот жараёнида КТХТнинг миллий иқтисодий ривожланишидаги ижтимоий - иқтисодий афзалликлари ва ҳудудий ривожланиш хусусиятлари аниқланган. 2000-2015 йилларда мамлакатимизда КБХТ барқарор суръатларда ривожланиш тенденциясига эга бўлиб, рўйхатга олинган субъектлар сони 2,6 барабар, фаолият юритаётган КБХТ субъектлари сони эса 2,9 мартага ошган (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистонда КБХТ субъектлари ривожланишининг асосий кўрсаткичлари<sup>20</sup>

| Кўрсаткичлар                                        | йиллар |       |       |       |       |       | 2015й<br>2000й га<br>нисбат<br>ан + -,<br>марта |
|-----------------------------------------------------|--------|-------|-------|-------|-------|-------|-------------------------------------------------|
|                                                     | 2000   | 2008  | 2010  | 2012  | 2014  | 2015  |                                                 |
| Рўйхатга олинган КБХТ субъектлари, мингта           | 182,9  | 435,9 | 459,5 | 466,6 | 474,8 | 481,1 | 2,6                                             |
| фаолият юритаётган КБХТ субъектлари, мингта         | 149,3  | 398,6 | 425,0 | 429,1 | 433,6 | 447,4 | 2,9                                             |
| КБХТнинг иқтисодий банд бўлганлар сонидаги улуши, % | 49,7   | 72,3  | 74,2  | 75,7  | 76,5  | 77,9  | 2,2                                             |
| КБХТ субъектларининг ЯИМдаги улуши, %               | 31,0   | 48,2  | 52,5  | 54,6  | 56,0  | 56,7  | 1,8                                             |
| ш.ж: кичик корхоналар ва микрофирмалар, %           | 15,7   | 29,5  | 32,7  | 33,9  | 35,1  | 36,2  | 2,3                                             |
| Экспортдаги улуши, %                                | 10,2   | 6,0   | 13,6  | 14,7  | 25,9  | 26,8  | 2,6                                             |
| Импортдаги улуши, %                                 | 27,4   | 38,5  | 36,6  | 38,6  | 45,4  | 46,5  | 1,7                                             |
| 1000 кишига фаолият кўрсатаётган КБХТ субъектлари   | 5,7    | 14,7  | 15,8  | 16,8  | 17,8  | 18,1  | 3,2                                             |

КБХТнинг ўсиш тенденцияси ҳудудий жиҳатдан таҳлил қилинганда вилоятлар кесимида номуносибликлар кузатилади, ЯИМ ва <sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

бандликдаги улуши минтақалараро жиддий фарқланади. Жумладан, Андижон, Самарқанд, Хоразм, Сирдарё, Наманган, Жиззах вилоятларида

ялпи банд аҳолидаги улуши (78-80 %) юқори бўлгани ҳолда, ушбу кўрсаткич Навоий вилояти (58,2 %) ва Тошкент шаҳрида (57,1%) республика ўртача кўрсаткичидан паст даражада бўлиб, охириги минтақалар иқтисодиётида йирик саноат корхоналари етакчи ўрин эгаллаётганлигини кўрсатади. Умумий саноат салоҳияти заифроқ ҳудудларда, аксарият ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи саноат тармоқларида, агросаноат мажмуаси шаклланган ҳудудлар иқтисодиётида КБХТ соҳаси салмоқли мавқега эга деган хулосага келинди.

Фикримизча, КБХТ субъектлари сонининг ҳамда ундаги банд аҳоли улушининг ортиб бориши аҳоли таркибида ёшлар улушининг юқорилиги ва уларнинг мазкур соҳага йўналтирилиши билан ҳам изоҳланади. Бу ҳолат КБХТни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмини такомиллаштиришда селективлик тамойилига амал қилиш зарурлигини асослайди. Бандлик сиёсатининг муҳим хусусиятларидан бири – Ўзбекистон аҳолисининг 30 фоизга яқинини 16-29 ёшдаги ёшлар ташкил этаётганлиги, улар бандлигини таъминлашга устуворлик берилиши билан изоҳланади.

Мамлакатда ҳар йили 500 минг нафардан зиёд ёшлар касб-ҳунар коллежлари ва лицейларни тамомлашининг ўзи янги иш ўринлари яратиш зарурлигини тақозо этади. Бундай ёшларни хусусий тадбиркорликка ва ўз бизнесини бошлашга йўналтириш ва тайёрлаш алоҳида эътибор талаб этади. Шу боис, янги иш бошловчи ёшларнинг тадбиркорлик қобилиятларини диагностика қилиш ва улар томонидан амалга оширилаётган фаолиятда белгиланган ишчилар сонига, солиққа тортишда, кредит ажратишда, бож тўлови меъёрлари тартибини янада такомиллаштириш таклифи асосланган.

Тадқиқот жараёнида 1700 нафар (респондентларнинг 10 фоизи) ўз бизнесини яратиш ниятида бўлган Навоий вилоятининг турли йўналишдаги касб-ҳунар коллежи битирувчилари илмий асосланган «Ёшларнинг тадбиркорлик қобилиятларини диагностикалаш» услубияти асосида (100 баллик тизимда) тест саволлари орқали диагностикадан ўтказилди. Уларнинг тадбиркорлик қобилиятлари аниқланиб уч гуруҳга, яъни «0-43 фоиз-заиф», «44-70 фоиз-салоҳиятли», «71-100 ривожланган» сифат даражаларига ажратилган ҳолда таҳлили амалга оширилган.

Тадқиқот жараёнидаги анкета сўровномалари таҳлили ёшларимизнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда устувор йўналиш ҳисобланган тадбиркорлик фаолиятига бефарқ эмасликларини, уларда меҳнатсеварлик хусусиятларининг шаклланганлигини, ёшлар руҳияти тетиклигини кўрсатди. Шунингдек, қабул қилган қарорларида қатъийлик йўқлиги ёки уларни ўз фикрларидан қайтариш осонлиги (54 %), уларда ҳали тадбиркорликда таваккал қилиш хусусиятларининг шаклланмаганлиги (рискдан қўрқиш) ҳолатлари кузатилди. КБХТ фаолиятини тўхтатиш сабабларини таҳлил этиш натижалари кўрсатишича, субъектларнинг 44 фоизи банкротлик ҳолатига учрашишида тадбиркорлик ғоясини мужмаллиги, тадбиркорлик асосларини билмаслиги, мустақил равишда иш юритишга тайёр эмаслиги туфайли

аниқланган.

Ушбу ҳолат «Ёшлар тадбиркорлигини ривожланишини янада рағбатлантиришда давлат органлари томонидан улар тадбиркорлигини ташкил этилишига кўмаклашиш, тадбиркорлик фаолиятига ёшларни кенг жалб қилиш мақсадида имтиёзли кредитлар бериш, ёшларга тадбиркорлик фаолияти асосларини ўқитиш, таълим муассасалари билан иш берувчилар ўртасида шартнома асосидаги ҳамкорликни ривожлантириш»<sup>21</sup> заруриятининг долзарблигини асослайди.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларнинг мақсади барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш ва сифатини яхшилаш, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашувига эришишдан иборат. Бозор иқтисодиёти тизимида ушбу стратегик вазифалар тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг шарт-шароитларини яратиш асосида амалга оширилади. Бундай шарт-шароитлар КБХТни қўллаб-қувватлашда уни ривожлантиришга қаратилган хизматлар мажмуини юзага келтиради.

Биринчидан, бевосита ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш, иккинчидан, билвосита ижтимоий, бозор, институционал инфратузилмалар шакллантирилиб ишлаб чиқаришнинг умумий шароитини ва кишилар ҳаёт фаолиятини таъминлашга хизмат қилувчи тармоқлар ҳамда муассасалар фаолият жараёнларини сифат жиҳатдан яхшилашдан иборат.

КБХТга хизматлар бозорини шакллантириш жиҳатидан ёндашиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, тугатиш, лицензиялаш, сертификациялаш, молиялаштириш, солиққа тортиш каби жиҳатлар бўйича ва уларга соҳанинг рақобатбардошлигини ошириш нуқтаи назаридан қарашга имкон беради. Тадқиқот жараёнида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ, чекловларнинг мавжудлиги, фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-қоидаларнинг мураккаблиги кузатилди. Ушбу ҳолат тадбиркорларнинг фаолият юритишларига рухсат берувчи ва лицензиялашда талаб этиладиган ҳужжатлар сонини оптималлаштиришни ва хизмат кўрсатиш шаффофлигини ошириш зарурлигини англатади.

Тадқиқот ишида КБХТни жадал ривожлантириш учун зарур шарт шароитлар, қулай имкониятлар яратиш, уларнинг моддий ва кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, бизнес муҳитини янада яхшилаш, давлат хизматларининг юқори сифатини, шаффофлиги ва қулайлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти йўлида учрайдиган маъмурий ва сунъий тўсиқларни бартараф этишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган «Ягона дарча» марказлари фаолиятини йўлга қўйиш таклифи асосланди. Тадбиркорларга кўрсатилаётган 19 турдаги давлат хизматлари интерактивлик тамойили асосида интеграциялаштирилди. Шаҳар ва туман

ҳокимиятлари қошида ташкил этилган «Ягона дарча» -<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар Дастури, 2016 йил 5 октябрь, -35 банд.

кулайлиги ва шаффофлиги таъминланиши асосланган. Жаҳонда жамланган бой, илғор тажрибалар ҳамда КБХТда бандлар таркибининг таҳлили, корхоналарнинг фаолияти тугатилаётганлиги сабабларини ўрганиш асосида мазкур соҳага оид йўналишларда мутахассислар тайёрлаш зарурлиги асосланди. Минтақалардаги касб-ҳунар коллежларининг касб йўналишлари ҳудудларнинг хусусиятларидан, мавжуд имконият ва эҳтиёжларга мос бўлган янги йўналиш сифатида ўзини оқлайдиган талаблар бўйича шакллантирилди. Ўзбекистонда КБХТни ривожлантиришда тадбиркорлик соҳасида малакали кадрлар тайёрлашнинг ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган мақсадли Давлат дастурини ишлаб чиқишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилди.

**«Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб қувватлаш иқтисодий механизмнинг амал қилиш хусусиятлари»** номли учинчи бобда тадқиқот объекти сифатида КБХТ субъектларининг фаолияти таҳлил этилди, уларни ташкил этиш ва ривожлантиришда иқтисодий механизмнинг ўрни баҳоланди. КБХТда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмини амалга оширишдаги муаммолар аниқланиб, уларни ҳал этиш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таҳлиллар кўрсатишича, мазкур соҳага йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2015 йилда 9 трлн. 220 млрд. сўмни ташкил этгани ҳолда, 2000 йилга нисбатан 14,2 баробарга ошди<sup>22</sup>. Таъкидлаш жоизки, 2000-2015 йилларда инвестицияларни молиялаштириш манбалари таркибида бюджет маблағлари улуши 29,2 фоиздан 5,1 фоизга қадар қисқарди. Ушбу ҳолат иқтисодиётга давлат аралашуви миқёсининг қисқариши ва миллий иқтисодиётга жалб этилаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар, корхоналар ва аҳоли маблағлари, тижорат банклари кредитлари ҳажмининг ортиши билан изоҳланади. Инвестициялар ҳажми ва самарадорлигининг ўсиши субъектлар фаолиятини молиялаштириш манбаига бевосита боғлиқ бўлиб, Навоий эркин индустриал-иқтисодий ҳудудидаги корхоналар ички хўжалик захираларини аҳамияти муҳимлиги баҳоланди.

КБХТни жадал ривожлантиришда давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг долзарб масаласи иқтисодий механизмнинг муҳим дастаги солиқ юкини камайтириш ҳисобланади. Ўзбекистонда солиқ сиёсатини эркинлаштириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва республикада соддалаштирилган солиққа тортиш тартибини қўллашга қаратилган жиддий ўзгаришлар туфайли тадбиркорликда солиқ юки камайиш тенденциясига эга.

Бугунги кунда Ўзбекистон солиқ солиш тартиби мураккаб бўлмаган давлатлар қаторида бўлиб, ЯИМда умумий солиқ юки 20 фоиздан ошмаяпти.

Ушбу кўрсаткични 2000 йилдаги 37,5

<sup>22</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика маълумотлари

Солиқ юкини камайитиришда солиқ ставкалари илмий асосланган тарзда пасайтириб борилиши аҳоли ва тадбиркорлар даромадларининг кўпайишига олиб келди. Ушбу ҳолат микрофирма ва кичик корхоналар томонидан тўланган ягона солиқ тўловининг жами давлат бюджети даромадларидаги улушининг 2005 йилдаги 2,1 фоиздан 2014 йилда 3,1 фоизга ўсганлиги ва тадбиркор ихтиёрида қолаётган фойда суммасининг ошиб борганлиги билан ҳам асосланади. Бозор иқтисодиётида тадбиркор ва давлат ўртасидаги иқтисодий алоқалар солиқ тўлаш орқали ўрнатилар экан, ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнида инновацион усулларни қўллаш натижасида маҳсулот ҳажмини оширишдан олинган меъёрий даромадларига нисбатан солиқ имтиёзларини жорий этиш орқали рағбатлантириш услубиётини изчил давом эттириш мақсадга мувофиқлиги асосланди.

Тадбиркорларнинг молиявий имкониятларини оширишда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида махсус ташкил этилган КБХТ субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Жамғарма кўмагида тадбиркорлик субъектлари томонидан 1 миллиард 250 миллион доллар миқдоридаги экспорт шартномалари тузилди, натижада 2015 йилда қиймати 840 миллион доллардан зиёд товарлар экспорт қилинди.<sup>23</sup> КБХТ экспорт товарлари таркибида кимё, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари етакчи ўринни ташкил этаётганлиги кузатилди. КБХТ субъектларининг мамлакат товар ва хизматлар экспорти ҳажмидаги улуши 2000-2015 йилларда 10,2 фоиздан 26,8 фоизга ошди. Экспортдаги йиллик ўртача ўсиш 1,1 фоизни ташкил этаётганлиги, тадбиркорларнинг яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаётганликларини кўрсатади.

Тадқиқот ва таҳлиллар натижасида КБХТ учун яратилган қулай тадбиркорлик муҳитини яхшилаш борасида қуйидаги муаммолар мавжудлиги аниқланган:

бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш самарадорлигини оширишда хўжалик юритувчи субъектларни кичик бизнесга киритиш учун миқдор ва сифат кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, кичик бизнес субъектларини аниқлашда белгиланган меъёردаги ишчилар сони асосий мезон сифатида қаралиши билан биргаликда айланма капитали, даромадлилик даражаси каби сифат кўрсаткичларни қўллаш зарурати;

тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг муқобил вариантларидан амалиётда унумли тарзда фойдаланмаётганлик ҳолатлари, тадбиркорлик фаолиятига ёшларни жалб этишда имтиёзли кредитлаш тартиб-тамойилини соддалаштириш зарурлиги;

КБХТнинг мамлакат экспортидаги мавқеи жиддий ўзгармаганлиги, экспорт салоҳияти сустлигича қолаётганлиги, кичик бизнес субъектлари

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика маълумотлари.

бор - йўғи 9,8 фоизни ташкил этиши ва маҳсулотни экспорт қилишдаги тартиб-таомилларнинг мураккаблиги;

Солиқ қонунчилигида коллеж битирувчилари томонидан якка тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишда қатъий белгиланган солиқлар кўзда тутилмаганлиги, тижорат банкларида кредит олган коллеж битирувчиларига кредит учун фоизлар билан бир қаторда рўйхатдан ўтган дастлабки ойдан бошлаб қатъий белгиланган солиқни тўлаш мажбуриятларининг юзага келиши кредит ва солиқ қарздорлигининг ўз вақтида узилмаслиги ҳолатларига олиб келаётганлиги ва бошқалар.

Тадқиқот жараёнида аниқланган муаммоларни ҳал этишга қаратилган қуйидаги амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

мамлакатда меҳнат ресурсларининг ўсиш тенденцияси мавжудлигини инобатга олиб якка тадбиркорларга фаолиятидан келиб чиққан ҳолда бир нафардан уч нафаргача қўшимча ишчи кучини ёллаш имкониятини бериш ва унда иқтисодий механизмнинг дастак ва воситаларини селектив ёндашиш асосида қўллаш. Якка тадбиркор ҳар бир ёлланган ишчи учун энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадалини ва белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорида солиқ тўлаш тартибини белгилаш, агар якка тадбиркор касб-ҳунар коллежи битирувчисини ишга ёлласа, маълум бир муддатга, яъни ёлланган ишчини коллежни тугатгандан сўнг бир йил давомида ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилиши.

микрофирма ва кичик корхоналарга ёшларни кенг жалб этишни янада рағбатлантиришда тадбиркорлик субъектлари томонидан касб-ҳунар коллежи битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативи 20 фоиздан 50 фоизга оширилиши;

меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлган соҳаларни устувор ривожлантириш заруриятидан келиб чиққан ҳолда банд ходимларнинг ўртача йиллик сонини қонун ҳужжатларида белгиланган нормативини ошириб боришда кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларнинг хусусиятларини инобатга олиш, меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлган тармоқларда белгиланган меъёردаги ишчилар сони жумладан енгил, озиқ

овқат, қурилиш материаллари саноатида 200 нафар этиб белгиланилиши; янги фаолиятни қўллаб-қувватлаш услугиетини касб-ҳунар коллежи битирувчилар фаолиятига нисбатан кенгроқ қўллаш мақсадида солиқ қонунчилиги концепциясида касб-ҳунар коллежларини тугатган ёшлар якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолиятни бошласа бир йилдан кўп бўлмаган даврда қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод этиш, солиқ ва ягона ижтимоий тўловларни ҳисоблашда белгиланган энг кам меъёrlарни ҳисобга олмаган ҳолда тўлаши, бироқ, давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб ўн икки ой ичида ўз фаолиятини тугатса, қатъий белгиланган солиқни фаолият амалга оширилган бутун даври учун тўлаш услугиетини қўллаш таклифи асосланди.

**такомиллаштириш йўналишлари»** деб номланган бўлиб, ушбу бобда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор суръатларда ўсиши шароитида КБХТ фаолиятини инновацион омиллар асосида ривожлантириш амалиёти таҳлил этилиб, уни такомиллаштиришга оид тадқиқотлар амалга оширилган. Республиканинг нисбий афзалликларидан келиб чиқиб, КБХТни ўрта ва узок истиқболдаги потенциал ривожланиш омилларини белгилаб олишда эконометрик усуллардан фойдаланган ҳолда муқобил илмий прогнозлар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимиз КБХТнинг ҳолати ва унинг истиқболли ривожланиш кўрсаткичлари прогнози, соҳада банд бўлган аҳоли сони, даромадлари соҳа кўрсаткичлари динамикаси алоқадорлигининг иқтисодий самарадорлигини ошириш нуктаи-назаридан улар фаолиятига иқтисодий механизм таъсири бўйича услубий ёндашувини такомиллаштиришнинг баҳолаш кўрсаткичлари таклиф қилинган.

КБХТнинг ЯИМдаги улуши ва яратилаётган товар (хизмат)лар ҳажмининг ўзгаришига таъсири, республикада изчил амалга оширилаётган солиқ юкни камайтириш сиёсатининг мазкур соҳа КБХТ ривожланишига таъсири баҳоланди (6-расм).

салоҳиятини оширишга ва ҳудудларга жалб этилаётган инвестицияларнинг

+ 33,266

$R = 0,9701^2$

6050403020

31,0

48,2

42,1<sup>45,7</sup>

50,1 52,5 54,0 54,6 55,8

56,4 56,7

38,2

$YaIMmb\% = 9,5432 \ln(t)$

7,3 9,5 9,0 8,1 8,5 8,3 8,1 8,1 10  
4,0 4,7

4,0 5,8 4,9 5,2 5,0 4,7 4,5 4,4 4,5 0  
1,4 3,3 4,6

2000 2005 2006 2007 2008 2009 2010 2011 2012 2013 2014 2015 КБХТнинг ЯИМдаги улуши,% ЯИМнинг ўсиши,% ЯИМнинг ўсишида

КБХТнинг улуши,%

**6-расм. Ўзбекистон ЯИМдаги кичик бизнес умумий улушининг барқарор суръатларда ўсиб бориш қонуниятини<sup>24</sup>**

Жаҳонда давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз билан боғлиқ юзага келаётган жиддий муаммоларни ҳисобга олиш асосида КБХТ қўллаб-қувватлашнинг институционал асосларини такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқдир. Иқтисодиётнинг глобаллашув шароитида дунё бозорларида ялпи талабнинг камайиб бораётгани, рақобат курашининг тобора кучайиб бориши, иқтисодий ўсиш суръатлари

<sup>24</sup> Муаллиф томонидан тузилган.

аниқланган (7-расм).

пасайиши КБХТ соҳасида жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани 4,5

4

2,5 2

0,5

3,9

3,5 3

1,5 1

2,6

3,6

0,6

0,6  
0,3

2,5  
1,9  
2,4

1,5  
0,6

1,2

0

2004 й 2005 й 2006 й 2007 й 2008 й 2009 й 2010 й 2011 й 2012 й 2013 й 2014 й 2015 й 7-расм.

Ўзбекистон ЯИМдаги кичик бизнес улушининг йиллик

ўзгариш динамикаси, (% ҳисобида)<sup>25</sup>

Фикримизча, КБХТнинг иқтисодий ривожланишида ўрта ва узок муддатли стратегияни ишлаб чиқишда сценариявий ёндашувни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ушбу ёндашув фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлаш, унга инсон омилининг ижобий сифатларини тўлиқ йўналтириш, меҳнат унумдорлигини инновацион интенсив омиллар ҳисобига ошириш муаммоларини аниқлаш имконини беради.

КБХТ ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш иқтисодий механизмининг таъсири регрессия тенгламалари, корреляциявий боғлиқлик коэффицентлари асосида баҳоланган. Истиқболда ЯХМ таркибида КБХТ улуши ортишига устун даражада ажратиладиган кредитлар ва инвестициялар ҳисобига ишлаб чиқариладиган товар-хизматлар ҳажми юқори суръатларда ўсиши кўпроқ таъсир кўрсатади. Шу боис, тадқиқотда Республика миқёсида 2000-2014 йилларда КБХТ соҳаси орқали яратиладиган товар-хизматлар (Y) ҳажмини ишлаб чиқариш функцияси –  $Y=f(K,L)$  (бунда: K-соҳага ажратиладиган кредитлар ва инвестициялар ҳажми; L –КБХТ субъектлари сони) орқали ҳисоблаш амалга оширилди, яъни:

$$Y(K,L) = 4353994,3 + 34,835 \cdot K_t + 7,763 \cdot L_t; \quad (2)$$

$$R^2 = 0,9851; F_{\text{ҳисобот}} = 295,7 > F_{\text{жадвал}}$$

$$K_t = 24849t - 25575; R^2 = 0,80;$$

$$L_t = 24514t^2 - 38385t + 1000000; R^2 = 0,96.$$

Кўрсаткичнинг танланган

омил-кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлик (корреляция) коэффицентлари бошқа омилларга нисбатан <sup>25</sup> Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

30

юқори бўлиб, мос равишда 0,86 ва 0,95 миқдорларга тенглиги қабул қилинган қонуниятнинг ишлаб чиқариш функцияси (ИЧФ)га айнан монандлигига асос бўлади. Ҳисобланган кўплик регрессия (ИЧФ) қонуниятининг ишончлилиги кўплик регрессия коэффицентлари ( $R^2$ ) 0,9851 ва Фишер-мезони  $F_{\text{ҳисоб}} = 295,6 > F_{\text{жадв}}$  кафолатлайди. Ишончли (2)-функция ва омилларнинг трендли ўзгариши орқали ҳисобланган КБХТ соҳасида яратилган товар ва хизматлар ҳажмининг 2015-2020 йилларда қарийб 63,1%га ўсиши асосан ушбу соҳага ажратиладиган кредит ва инвестициялар ҳажмини 77,5 %га, инвестициявий

мақсадларга узоқ муддатли кредитлаш ҳажмини 2,5 барабар кўпайтиришга ва КБХТ субъектлар сонининг 21,8 фоизга ортишига боғлиқдир.

Мамлакатимизда КБХТни ривожлантиришнинг муҳим дастакларидан бири – давлат томонидан изчиллик билан амалга оширилаётган солиқ сиёсатидир. КБХТ ривожланишига таъсир этувчи муҳим бўлган олтита омил: яъни, фаолият кўрсатаётган субъектлар сони, уларга берилаётган солиқ имтиёзларининг солиқ тушумларига нисбатан ўзгариши, соҳанинг мамлакат экспортидаги ҳиссаси ижобий эканлиги, иқтисодиётдаги солиқ юки, юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи ставкаси ва КБХТ субъектлари учун ўрнатилган ягона солиқ ставкаларининг салбий боғлиқлиги таҳлил этилган.

Тажриба ҳисоб-китобларига кўра, 2015-2020 йилларда танланган омил-кўрсаткичларнинг ўзгариши қонуниятини ишончли ифодаловчи мос трендли регрессия формулалари орқали ҳисобланган прогноз қийматларида ўзгариш миқдорлари, суръатлари дастлабки мақбул вариантларда ўзаро таққосланди. Мақбул ҳисоб-китоблар вариантыга кўра, 2015-2020 йилларда КБХТ субъектларига бериладиган солиқ имтиёзларини мос равишда 1,8 ва 2,5 фоизга ошириш эвазига уларнинг ЯИМдаги улушининг динамик даражаси мос равишда 0,8 ва 1,2 фоизга ортиши прогноз қилинган.

Таҳлил этилаётган даврда асосий эндоген кўрсаткич – ЯИМдаги КБХТ улуши динамик ўзгаришга кескин таъсир кўрсатаётган экзоген кўрсаткичлар тарзида қабул қилинган соҳанинг мамлакат экспорти ва инвестициялари ҳажмидаги салмоғи, соҳага ажратилаётган кредитлар ва ушбу субъектларни солиққа тортиш орқали рўй бераётган жами солиқ тушумларининг турлари қуйидаги динамик ўзгаришлар қонуниятига мослиги тегишли статистик ҳисоб-китоблар орқали баҳоланган:

$$\text{Export}(t) = 6.35 \cdot t^{0.4419}; \quad R = 0.7716; \quad (3)$$

$$\text{Invest}(t) = 15267 \cdot t + 18,653 \quad R = 0,7965; \quad (4)$$

$$\text{Soliq}(t) = 143,29 \cdot t - 151,55 \quad R = 0.9546; \quad (5)$$

$$\text{Kredit}(t) = 661,18 \cdot t - 1285,4; \quad R = 0.8883; \quad (6)$$

31

Тадқиқот жараёнида КБХТ ривожланишига солиқ дастаги ва кредит воситасининг таъсири (0,95; 0,88) юқори ва тўғри корреляцион боғлиқликда эканлиги аниқланди. Ушбу ҳолат ўрганилаётган кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро корреляциявий боғлиқлик коэффицентлари кучли даражада эканлигини кўрсатди. Бу ҳолат мамлакатимизда амалга оширилаётган оқилона солиқ сиёсатининг изчил давом эттирилиши ижобий натижалар беришидан далолат беради.

КБХТ салоҳиятининг барқарор суръатларда ўсиб бориши ва унга таъсир кўрсатадиган танланган омил (экзоген) кўрсаткичлар ўртасидаги умумий (регрессиявий) боғлиқлик қонуниятини аниқлаш бўйича бажарилган

тадқиқотлар натижасида R-кўплик ва R-квадрат коэффициентлари мос равишда 0,9649 ва 0,9309 бўлган. Стандарт хатолик - 2,5 %, Фишер мезони  $F_{\text{ҳисоб}}=0,004 < F_{\text{жадвал}}=16,9$  каби ўринли мезон кўрсаткичлар кичик бизнес субъектларининг ЯИМдаги улуши бошқа омил кўрсаткичлар таъсирида истиқболдаги ўзгаришини қуйидаги чизиқли регрессия тенгламаси орқали ифодалаш мумкинлиги тасдиқланган:

$$YaIM_{kb} = 22,258 + 0,72 \cdot Export + 0,424 \cdot Invest + 0,02 \cdot Soliq - 0,004 \cdot Kredit \quad (7)$$

Мамлакатдаги КБХТ салоҳияти барқарор ўсиб бориши ва унга таъсир этадиган асосий омил-кўрсаткичлар ўртасидаги умумий (регрессиявий) боғлиқлик қонуниятининг мунтазам аниқлаштирилиб борилиши тадбиркорликда стратегик мақсадларга эришишнинг мақбул вариантини «сценариявий» ҳисоб-китоблар орқали танлаш имконини беради. Унга кўра, соҳага ажратиладиган кредит ва инвестициялар ҳажмининг йиллик 77,5 фоизга ва КБХТ субъектлар сонининг 21,8 фоизга, бериладиган солиқ имтиёзлари 2,5 фоизга оширилган тақдирда (бошқа омиллар ўзгармас бўлган шароитда) прогноз кўрсаткичларига эришиш мумкинлиги таҳлил этилган.

КБХТнинг барқарор инновациявий ривожланишига таъсир этадиган омилларнинг узвий боғлиқлик қонуниятини мунтазам аниқлаштириб бориш асосида соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг чора тадбирлар тизимидан иборат йўналишларининг концептуал модели ишлаб чиқилган (8-расм).

Мазкур концепциянинг амал қилиши, КБХТни давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини: тадбиркорлик имкониятини ишга соладиган йўналишлар ва бизнес фаолияти натижасини яхшилашга қаратиладиган йўналишлар асосида такомиллаштиришга, КБХТ субъектларини ТСни, инвестициявий жозибадорлигини, инновацион фаоллигини ошишини, миллий иқтисодиётда инвестиция, солиқ, кредит ва экспорт каби иқтисодий дастаклар орқали изчил амалга ошириладиган давлат сиёсати билан узвийлигини таъминлайди ва ниҳоят уларнинг инновацион рақобатбардошлигини таъминлашга олиб келади.

32

### ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

|                                                        |                                                                                                          |                                                                                                                                             |
|--------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| КБХТнинг<br>инвестициявий<br>жозибадорлигини<br>ошириш | реал секторида соҳа<br>фаолиятини<br>рағбатлантириш<br>орқали<br>тадбиркорлар<br>даромадини янада ошириш | даромадидан<br>ундириладиган солиқ<br>ставкаларини<br>пасайтириш<br>баробарида<br>икки поғонали<br>солиққа тортиш<br>тизимини<br>жорий этиш |
|                                                        |                                                                                                          |                                                                                                                                             |

Иқтисодиётнинг

Аҳолининг бевосита

Ишловчиларнинг  
иш ҳақи  
даромадларини  
оширишга  
йўналтириш шарти билан  
юридик  
шахслар учун фойда солиғидан  
Худудларда  
КБХТнинг  
инновациявий  
фаоллигини  
таъминлаш

Соҳа субъектларининг  
инновациявий фаоллигини  
оширувчи яхлит иқтисодий  
муносабатлар тизимини яратиш

Инновацион лойиҳаларни  
амалга оширишда ва  
молиялаштиришда хорижий  
инвестицияни фаол жалб этиш  
(масалан, ЭИХ сингари)

Худудларда, жумладан, саноати  
ривожланган худудларда  
коорпоратив ҳамкорликни,  
жумладан, венчур хизматини  
ташкил этиш ва кенг

“Маҳсулот (хизмат, иш)  
инновациялари”ни  
ривожлантириш юзасидан  
ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш  
ва амалга ошириш

ривожлантириш  
Соҳанинг  
такомиллашган  
иқтисодий  
механизмини  
яратиш

Миллий иқтисодиётда  
инвестиция, солиқ, кредит ва  
экспорт каби иқтисодий  
дастаклар орқали изчил амалга  
ошириладиган давлат сиёсати  
билан узвийликни таъминлаш

2015-2020 йилларда соҳага  
ажратиладиган кредитлар ва  
инвестициялар ҳажмини 77,5%  
ва КБХТ субъектлари сонининг  
21,8% ортишига, солиқ  
имтиёзларини мос равишда  
1,8% ва 2,5%га ошириш эъазига  
унинг ЯИМдаги улушини  
1,3%га ошириш  
таъминлаш

Соҳани жадал

|                                                                                                                                                    |                                                                                                                                                                                                                                                                       |                                                                                                                                                                    |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| ривожлантириш эвазига аҳоли<br>тадбиркорлик<br>даромадларининг жами<br>даромадларидаги ҳиссасини<br>2020 йилга бориб 58-60 %<br>даражагача кўтариш | интеграл кўрсаткичи<br>бўйича паст ривожланган<br>худудларни мақсадли<br>имтиёзлар бериш<br>Қулай бизнес муҳитини<br>шакллантириш мақсадида<br>давлат ўз иқтисодий сиёсати ва<br>таркибий ислохотлар сиёсатини<br>оптималлаштириши баробарида<br>макро, мезо ва микро | даражаларда<br>узвийлашган инновациявий<br>инфратузилмани яратиш<br>кўллаб-қувватлаш<br>Соҳанинг ЯИМдаги умумий<br>улушини 2020 йилда 61-63%<br>даражасига етказиш |
| Соҳа салоҳиятининг                                                                                                                                 |                                                                                                                                                                                                                                                                       |                                                                                                                                                                    |

## 8-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб қувватлаш механизмининг модели<sup>26</sup>

<sup>26</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

33

## ХУЛОСА

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш» мавзусида амалга оширилган тадқиқот жараёнида қуйидаги илмий ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан иқтисодий қўллаб-қувватлаш тушунчаси кенг қиррали категория бўлиб, унинг моҳияти корхоналарнинг шаклланиш давридаги бозор ўзгаришлари таъсирига мослашишида давлатнинг моддий кўмагини англатади. Бу кўмак кичик бизнес субъектларига тақдим этилиши ва жаҳон тажрибасини умумлаштирган ҳолда «кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» атамасини «кичик бизнес субъектлари» атамасига алмаштириш ва қабул қилинган қонунларга ўзгартириш киритиш таклиф этилади.

2. Ўзбекистонда КБХТ субъектларини давлат томонидан қўллаб қувватлашни селектив (танлама) тамойили асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бунда қўллаб-қувватлашнинг мақсади - ижтимоий иқтисодий нафликни (Margenal Social Benefit); танлаш мезонлари – субъектларнинг инновацияларни қўллаши, экспортга йўналтирилган маҳсулот (хизматлар) ишлаб чиқариши, янги муқобил иш жойларини яратиши, локализация дастурида иштирок этиши, худудларда кластер тармоқларни яратишга қўшаётган ҳиссаси ва рақобатбардошлиги; қўллаб қувватлашнинг самараси сифатида – маҳсулотни ишлаб чиқаришдаги маржинал ижтимоий нафликнинг маржинал ижтимоий харажатлардан юқори бўлишини инobatга олиниши лозим.

3. КБХТ субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини қуйидаги йўналишларда такомиллаштириш таклиф этилади:

- биринчидан, иқтисодий қўллаб-қувватлаш танлов асосида, мақсадли, муддатли (қисқа давр), мезонли, ижтимоий-иқтисодий самарали ҳамда бозор механизми ишлаши, эркин рақобат шаклланишига тўсиқ бўлмаган ҳолда бизнес субъектларининг яшовчанлиги ва рақобатбардошлигига ижобий

таъсир кўрсатадиган, субъектларни дискриминация қилинишига қарши чора-тадбир бўлмоғи;

- иккинчидан, ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва тадқиқотимиз натижасига биноан давлатнинг бизнес субъектларини иқтисодий қўллаб қувватлашнинг оптимал кўлами олинган маржинал ижтимоий-иқтисодий нафлиқ маржинал ижтимоий харажатларга тенг:  $MSB=MSC$  бўлган нуқтада белгиланиши лозим.

4. КБХТни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ташкилий, ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий механизмлари таҳлил этилиб, амалга ошириш дастаклари баҳоланди. Иқтисодий механизм тадбиркорлик фаолиятига ички ҳаракатлантирувчи куч сифатида таъсир этади ва унинг таркибий қисмига айланади. Мамлакатнинг иқтисодий ривожланишини

34

таъминлашда КБХТнинг локомотив сифатидаги аҳамиятини оширишда «самарали ғилдирак» вазифасини бажаради. Тадбиркорлик фаолиятида тўғри ва мақсадли фойдаланиш натижасида корхонанинг ва аҳолининг тадбиркорлик даромади кўпайиши таъминланади.

5. Методологик нуқтаи назаридан КБХТни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштиришда мавжуд институционал механизмнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги, улар ўртасида юзага келадиган номутаносибликлар ва узилишларни аниқлашни ўз ичига олувчи селектив ёндашувни қўллаш зарур.

6. Тадбиркорлик салоҳиятини оширишда фаолиятнинг нафлиқ меъёрлари ва иқтисодий ҳолатлари (нафсизлик, хусусий, жамоавий, ижтимоий ва қўшилмаган нафлиқ) тадбиркорлик фаолиятининг сифат даражаларига (заифлик, етуклик, ривожланган, истиқболли ва номукаммал фаолият) мос келишига асосий мезон сифатида қаралиши соғлом рақобатни ривожлантиришда асос бўлади.

7. Миллий иқтисодиётда КБХТни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш назариясида антимонопол, бож-тариф ва монетар сиёсат дастакларининг рағбатлантирувчи функцияларини кучайтириш тақозо этилади. Жумладан, КБХТни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмини дастак ва воситаларини рағбатлантирувчи ва тартибга солувчи функциялари таъсирчанлигини ошириш мақсадга мувофиқдир.

8. Кичик бизнес субъектларининг саноат кооперациясини ривожлантиришда, молиявий қўллаб-қувватлашда селектив ёндашувни жорий этиш орқали иқтисодий механизмни такомиллаштириб борилиши ҳудудларни индустриал ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган дастурлар ижроси самарадорлиги ошишига хизмат қилади. Кичик корхоналарни селектив саралаш усули орқали қўллаб-қувватлаш ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланишни яхшилаш, корхоналарни техник технологик қайта жиҳозлаш ишларини ташкил этишда, таркибий ўзгартириш ва молиявий соғломлаштириш натижасида кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш инфратузилмалари элементларини шакллантиришда, босқичли ишлаб чиқаришни кузатиш ва назорат қилишга замин яратади.

9. Эконометрик таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, ўрганилаётган КБХТ ривожланишига таъсир этувчи омиллардан учтаси, соҳага ажратилаётган кредитлар ва киритилаётган инвестициялар, соҳанинг мамлакат экспортидаги ҳиссаси ижобий (+), қолган учтаси – иқтисодиётдаги солиқ юки, юридик шахсларнинг даромад (фойда) солиғи ставкаси ва кичик бизнес субъектлари учун ўрнатилган ягона солиқ ставкалари ўртасида салбий (-) боғлиқликни доимий аниқлаштириб бориш тавсия этилади.

10. КБХТни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштиришда қуйидаги тавсияларни амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқ: КБХТни ривожлантиришда тадбиркорлик соҳасида малакали кадрлар тайёрлашнинг ўрта ва узоқ муддатга

35

мўлжалланган мақсадли Давлат дастурини ишлаб чиқиш, янги бизнесни қўллаб-қувватлаш услубиятини касб-ҳунар коллежи ва олий таълим битирувчиларига нисбатан кенгроқ жорий этиш, КБХТ субъектлари учун давлат харидлари товар диверсификациясини янада кенгайтириш, тадбиркорлар учун хомашё ресурсларидан фойдаланишни янада соддалаштириш, КБХТ субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси устав капиталини кўпайтириш ҳисобидан молиявий хизмат турларини янада кенгайтириш ва ҳудудларда жамғарманинг таркибий бўлимларини ташкил этиш орқали корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадга мувофиқдир.

11. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий ҳудудида жорий этилган солиқ ва божхона имтиёзларидан микрофирма ва кичик корхоналарнинг самарали фойдаланишини рағбатлантириш мақсадида жалб этилаётган тўғридан-тўғри инвестиция ҳажмини камайтирган ҳолда солиқ ва божхона режимини сақлаб қолиш, кичик саноат корхоналарида маҳсулотни 3-4 босқичли юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш муаммосини ҳал этишда жаҳон тажрибасидан самарали фойдаланиш, «Қишлоқ жойларида саноатни ривожлантириш тўғрисида»ги Қонунни қабул қилиш ва «Битта қишлоқда юзта товар» шиорини амалда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

12. КБХТни молиялаштириш амалиётида молиялаштириш услубий ёндашувини такомиллаштиришда мулк шаклидан қатъий назар барча кичик бизнес субъектларининг инвестициялаш манбаларидан фойдаланишда тенг имкониятларга эга бўлишлари ҳамда ўз фаолиятларини янги бошлаган тадбиркорлик субъектлари давлат кафолати орқали қўллаб-қувватланиши, жумладан, коллеж битирувчиларига энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдорида берилаётган имтиёзли кредитларни гаров мулкисиз берилишида давлат (ёки ота-оналар) кафолатини таъминлаш, инфратузилма таркибида миллий венчур усулида молиялаштириш амалиётини кенг қўллаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнида инновацион усулларни қўллаш натижасида маҳсулот ҳажмини оширишдан олинган меъёрий даромадларга нисбатан солиқ имтиёзларини жорий этиш орқали рағбатлантириш услубиятини изчил давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ 14. 07. 2016. I. 03.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ  
НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**МУРОДОВА НОДИРА КУЛЛИЕВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕОРЕТИЧЕСКИХ ОСНОВ  
ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОДДЕРЖКИ МАЛОГО БИЗНЕСА И  
ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА**

**08.00.01 - Экономическая теория  
(экономические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ**

**Ташкент-2016**

37

**Тема докторской диссертации зарегистрирована за № 28.04.2016/В 2016.2 I. 639 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан**

Докторская диссертация выполнена в Навоийском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском) размещен на веб-странице научного совета ([www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz)) и в информационно образовательном портале “Ziyonet” ( [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) ).

**Научный консультант: Вахабов Абдурахим Васикович**

доктор экономических наук, профессор

**Официальные оппоненты: Хамроев Одил Хамзаевич**

доктор экономических наук, профессор

**Маматов Ахматжон Атажонович**

доктор экономических наук, доцент

**Усмонов Анвар Саидмахмудович**

доктор экономических наук, профессор

**Ведущая организация:** Ташкентский финансовый институт

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_2016 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета 14.07.2016.I.03.01 при Ташкентском государственном экономическом университете по присуждению ученой степени доктора наук (Адрес: 100003, г.Ташкент, проспект Узбекистанский, 49. Тел: (+99871) 2392872, факс: (+99871) 2392827, e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz)

С докторской диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного экономического университета (зарегистрирована за № Адрес: :100003, г.Ташкент, проспект Узбекистанский ,49. Тел.(+99871)2392872.

Автореферат диссертации разослан “\_\_” \_\_\_\_2016 года  
(реестр протокола рассылки № \_\_от “\_\_” \_\_\_\_\_2016 года )

**Б. Ю. Ходиев**

Председатель Научного совета по присуждению  
ученой степени доктора наук, д.э.н., профессор

**А. Н. Самадов**

Учёный секретарь Научного совета по присуждению  
ученой степени доктора наук, к.э.н., доцент

**Т. Т. Жураев**

Председатель научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученой степени  
доктора наук, д.э.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В условиях продолжающегося глобального финансово-экономического кризиса возросло значение малого бизнеса и частного предпринимательства (МБЧП) в создании широких возможностей для развития частной собственности и частного предпринимательства путём осуществления структурных преобразований в экономике. По сведениям, «занятость населения в предприятиях малого и среднего бизнеса составляет: в Китае – 81,4 % при ВВП 54,3%, в Японии – соответственно 70,8 % при ВВП 67,0%, в США – 50,6 % при ВВП 53,1 %»<sup>27</sup>.

Осуществляемые в Узбекистане реформы, обеспечивающие стабильный рост экономики, направлены на «кардинальное повышение роли и места частной собственности в экономике республики, сокращение государственного присутствия в экономике, повышение последовательного роста доли частной собственности в валовом внутреннем продукте, расширение пользования финансовыми и кредитными ресурсами, улучшение деловой среды»<sup>28</sup>. В результате эффективности проводимых реформ: «Доля малого бизнеса и частного предпринимательства в валовом внутреннем продукте возросла с 31 процента в 2000 году до 56,7 процента в настоящее время, или в 1,8 раза. Всего 31,7% промышленной продукции, практически все услуги оказываемые на рынке, 77% занятости населения приходится на долю МБЧП»<sup>29</sup>. В настоящее время за счёт обеспечения ускоренного развития МБЧП, защиты частной собственности, преодоления административных барьеров на пути развития предпринимательства, качественного улучшения и поднятия на новый уровень инвестиционной и деловой среды необходимо обеспечить их полное соответствие мировым стандартам.

Отмеченные выше факты предполагают наличие в структуре факторов экономического развития обеспечение достойного уровня жизни населения страны, развитие предпринимательской способности, обеспечение стабильного роста предпринимательства, усовершенствование институциональных основ, возможности эффективного использования

инициативного ведения самостоятельного хозяйства. Здесь целесообразно применение селективного принципа в поддержании государством деятельности субъектов МБЧП экономическими рычагами и средствами.

<sup>27</sup> <http://www.ifc.org.msmeconomyindicator>

<sup>28</sup> Указ Президента Республики Узбекистан ПФ - 4725 от 15 мая 2015 года «О мерах по обеспечению надежной защиты частной собственности, малого бизнеса и частного предпринимательства, снятию преград для их ускоренного развития»

<sup>29</sup> Каримов И.А. «Наша главная цель – несмотря на трудности, решительно идти вперед, последовательно продолжая осуществляемые реформы, структурные преобразования в экономике, создавая еще более широкие возможности для развития частной собственности, предпринимательства и малого бизнеса». - Доклад на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2015 году и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2016 год-Ташкент: «Узбекистан», 2016.- с.11

На основе такого подхода имеется возможность комплексного решения существующих в данной сфере проблем, создания новых программных комплексов в совершенствовании теоретических основ государственной поддержки МБЧП, формирования методики и стратегии повышения предпринимательского потенциала (ПП) .

Данное диссертационное исследование в значительной степени способствует реализации Указы Президента Республики Узбекистан ПФ 4725 от 15 мая 2015 года «О мерах по обеспечению надежной защиты частной собственности, малого бизнеса и частного предпринимательства, снятию преград для их ускоренного развития», ПФ-4848 от 5 октября 2016 года «О дополнительных мерах по обеспечению ускоренного развития предпринимательской деятельности, всесторонней защиты частной собственности и качественного улучшения деловой среды» и других задач, установленных в других нормативно-правовых документах, касающихся данной отрасли.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий «Духовно – нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Обзор международных научных исследований по теме диссертации.**<sup>30</sup> Проблемы совершенствования теоретических основ развития МБЧП исследуются в ведущих научных центрах и высших учебных заведениях всего мира, в частности, в Чикагском университете (University of Chicago, США), Университете Сан-Франциско (University of San Francisco), Маастрихтском Университете (University of Maastricht, Нидерландия), Институте мирового развития (Institute of world development, Китай), Сельскохозяйственном центре по поддержке малого бизнеса и частного предпринимательства (RUPRI Center for Rural Entrepreneurship, Япония), Институте экономики Российской Академии

Обзор международных научных исследований по теме диссертации выполнена на основе : Park D., Krishnan H.A. Supplier selection practices among small firms in the united states: testing three models // journal of small business management. 2001, july. p.261-263; Country Responses to the OECD WPSMEE Questionnaire on the Impact of the Global Crisis on SMEs and Entrepreneurship Financing and the Policy Responses, 14 January 2009; The State of Small Business: a report of the President Transmitted to the Congress. 2010. Washington, D.C.2010; Marta M. Zhuk. Improving the financial mechanism of state support for innovative activity of business entities under market economy // Экономика управление предприятий. Vol.4.2015.32-37 pp; Bogdan M. "Mizyuk improving the organizational and economic mechanism of commercial activities management // International Journal of Productivity and Performance Management, Vol. 69 (6), 2012. 487-492 pp; Yifan Ding "Mechanisms for improving economic and industrial growth in developing countries" Institute of world development, Development research center of state council, People's Republic of China. Journal Environment and development Vol.I,2008.42-47 pp; Шулус А. Становление системы поддержки малого предпринимательства в России // Российский экономический журнал.-2007.-№ 5-6.С-23-28; Салаев С. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш. икт.ф.д.,. дисс. автореф. – Т.: ТДИУ, 2008. – 49 б; Рахмонов Х.О. Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини эконометрик моделлаштириш (Бухоро вилояти мисолида).икт.ф.д. ...дисс.автореф.-Т.: ТДИУ,2010.-41с и другие источников.

40

наук (Россия), Ташкентском государственном экономическом университете (Узбекистан).

В результате проведенных исследований по усовершенствованию теории поддержки МБЧП достигнуты, в частности, следующие важные теоретические и практические результаты: обоснованы стимулирование инновационной деятельности малых предприятий путём предоставления им налоговых льгот, выделение гарантированных кредитов вновь создающим свою деятельность субъектам предпринимательства (Innovative investigation program of small business - University of san Francico, США); создан механизм по удержанию с малых предприятий налоговых сумм, направленных на приобретение оборудования и экспериментальных образцов (RUPRI Center for Rural Entrepreneurship, Япония); обоснованы амортизационные отчисления до 40% в первый год с приобретённого в целях научно-исследовательских, экспериментальных работ оборудования (University of Maastricht, Нидерланды); определены направления формирования показателей предпринимательского потенциала (Институт экономики Российской Академии наук); разработаны модели тенденций и прогнозов развития малого бизнеса (Ташкентский государственный экономический университет, Узбекистан).

Проводится ряд исследований по поддержке государством механизмов усовершенствования в мировом масштабе, в частности, проводится исследовательская работа по следующим приоритетным направлениям: экономическое стимулирование инновационной деятельности хозяйствующих субъектов; оценивание сферы влияния экономического механизма на развитие инновационного предпринимательства; повышение прозрачности и привлекательности предпринимательской среды; усовершенствование системы поддержки малого бизнеса на основе синергетического подхода.

**Степень изученности проблемы.** В научных трудах отечественных и зарубежных учёных-экономистов и специалистов уделено большое внимание теоретическим основам государственной поддержки МБЧП, в том числе

вопросам поддержки посредством рычагов и экономических механизмов экономики.

Общие научно-методические принципы государственной поддержки

МБЧП нашли свои отражения в научных трудах таких ученых экономистов

